



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 9 май, № 90 (6525)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИ



Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

нини ҳисобга оладиган бўлсак, бу галаба бизга нақадар қимматга тушгани ўз-ўзидан аён бўлади, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўйламанки, ҳар қайси халқнинг бағрикенглиги ва олижаноблиги, керак бўлса, одамийлиги ва инсонпарварлиги нафақат ўз яқинлари, балки бегона одамларнинг бошига мусибат тушганда улардан ўз меҳри ва ёрдамини аямаслигида яққол кўрилади, синовдан ўтади.

Меҳр-оқибат — халқимизнинг энг олий, ноёб фазилати. Юртдошларимиз фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган бир миллионга яқин болалар, аёллар ва қарияларни қабул қилгани, уларга бошлана бергани, ҳатто охири бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўргани, “Сен етим эмассан” деб уларни ўз бағрига олиб, меҳр-муруват кўрсатгани халқимизнинг одамийлик фазилатлари, олижаноблигининг амалий намоёни бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан тирик ва барҳаётдир, деди Ислон Каримов. Ўтганларнинг хотирасини эсга олиш, уларнинг хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш халқимизга хос азалий қадрият бўлиб келмоқда. Жанг майдонларида Ватан учун, бугунги ва эртанги авлодларнинг ёруғ кунларга етиши учун жон берган, ўзини фидо этган инсонлар хотирасини ёдга олсак, бугун ҳаёт бўлган фахрийларимизга қанча ҳурмат-эҳтиром ва эътибор кўрсатсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Аслида, содда қилиб айтганда, тарих — бу хотира дегани, ўтган аждодларнинг шонли ишлари, қахрамонликларини эслаш, ўтмиш воқеаларидан тўғри хулоса чиқариб яшаш деганидир.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, биз бундан 17 йил олдин мамлакатимизда 9 май санасини Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиб, пойтахтимиз Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда Хотира майдонлари барпо этиб, бу майдонларда Мотамсаро она ҳайкалинини ўрнатдик. Бошқача айтганда, хотира ва қадрлаш деган, бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро боғланган иккита эзгу тушунча айни шу номда ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Вақт ўтиши билан, қабул қилган бу қароримиз нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Халқимизнинг бу масканларга келиб, ўтганларга ҳурмат-эҳтиром

кўрсатиши яхши аънамага айланади қолди. Бу майдонлар ҳақиқатан ҳам муқаддас зиёратгоҳларга айланиб, маънавий ҳаётимизни чуқур маъно-мазмун билан тўлдирмоқда, деди Юртбошимиз.

Инсоният тарихидаги энг мудҳиш ва бешафқат, беҳисоб йўқотишларга олиб келган урушни бошидан кечирган халқимиз доимо битта фикр билан яшайди: бундай ёвуз офат ҳеч қачон қайтмасин, остонамизга яқин келмасин. Бизга тинчлик керак, омонлик керак. Одамларимиз ҳар қандай давраларда, тўй-маъракаларда Яратгандан аввало шунини сўрайди.

Бундай қатъий қарашлар кўпни кўрган халқимизнинг онгу тафаккурига жуда чуқур кириб борган ва ёшу қари барча одамларимиз тинчликнинг моҳияти ва аҳамиятини, кадр-қимматини теран англаб етгани ҳаммамизга аён.

Бунинг устига, дунёда тобора кескинлашиб бораётган қарама-қаршиликларни, яқин ва узоқ атрофимизда қонли тўқнашувлар кучайиб бораётганини, бир сўз билан айтганда, бундай офатлар тинчлик ва барқарорликка нисбатан ўта жиддий хавф ва таҳдид солаётганини аҳолимиз жуда катта ҳавотир билан кузатмоқда.

Бизга кўшни Афғонистонда 35 йилдан буён беқарор вазият ҳукм сурмоқда ва ҳали-бери унинг охири кўринмаяпти. Экстремизм, терроризм деб ном олган, тобора кенгайиб бораётган хатарлар, фашизм деган бало яна майдонга чиқаётгани барча-барча юртдошларимизда ташвиш уйғотмоқда.

Бундай мураккаб ва таҳликали вазият, бошимиздан кечираётган шиддатли замон, сўзсиз, барчамиздан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимизни талаб қилмоқда, деди Президентимиз. “Ўз уйингни ўзинг асра!” деган ҳар қайси инсондан ҳамон учраб турадиган лоқайдлик ва бепарволик кайфитларидан халос бўлишни, энг муҳими, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашни бугунги кунда энг долзарб масала сифатида олдимизга қўймоқда.

Ана шундай кескин вазият давлатимиздан, жамиятимиздан хавфсизликни мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазоларнинг юртимизга кириб келишининг олдини олиш, чегараларимизнинг дахлсизлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида замон талаб қиладиган, зарур



чораларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Шулар қаторида: Ўзбекистон Куролли Кучларининг салоҳиятини янада оширишга эътиборимизни кучайтириш;

Ўзбекистонимизнинг ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаслиги ва мамлакатимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисидан бўлишига йўл қўймаслик сиёсатини қонун билан мустаҳкамлаб қўйганимизни бугунги мураккаб вазиятда ўзимиз учун энг маъқул ва тўғри йўл, деб биламиз, дея таъкидлади Президентимиз.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини катта хурсандчилик билан нишонлашга озгина вақт қолди.

Ўзбекистонимиз ана шу тарихан қисқа даврда, қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан ўтказмасин, унинг босиб ўтган йўли, ўсиш суръатлари, қўлга киритган ютуқ ва марралари жаҳон миқёсидан тан олингани ва кўпчиликнинг ҳавасини тортаётгани барчамизни қувонтирмоқда, қалбимизда гурур-ифтихор уйғотмоқда.

Халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори ошиб бораётганининг ҳал қилувчи мезонларга ва омили, аввало, меҳнатсевар, мард ва матонатли халқимизнинг юксалиши бораётган дунёқарашини, онгу тафаккури, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ҳаётга қарши тобора ўзгариб бораётганида, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қишлоқ жойларда қурилаётган намунавий уй-жойлар халқимиз ҳаёт сифатини янада юксалтирмоқда. Бу ҳаракат самарасида қишлоққа тараққиёт кириб бормоқда, замонавий ахборот технологиялари одамлар турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Бундай бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилади.

Мен ёш авлодимизга, менинг болаларимга қарата бўш келманлар, эртанги кун бизники, марра биз-

ники, деб бежиз, асосиз айтмайман. Бунинг чуқур маъно-мазмунини шундаки, вақт, йиллар ўтиши билан бизнинг сафимизни ким тўлдирмоқда? Аввало, замонавий билим ва касб-хунарларга эга бўлган, янгича, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, ўзини намоёйиш этишга қодир бўлган навқирон ўғил-қизларимиз. Кўзлари ёниб турган бундай ёшларимизни яна қаерда — қайси давлат, қайси юртда топиш мумкин, деб таъкидлади Ислон Каримов.

Бугунги кунда узоқни кўзлаган мақсадларимиз, вазифа ва режаларимизни ҳам аниқлаб олганимиз, шу жумладан, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2030 йилга бориб икки қаррадан зиёд кўпайиши барчамизда эртанги кунимизга катта ишонч бағишлайди. Ва юртимизни янада обод қилиш, ҳаётимизни юксалтириш бўйича дунёдаги энг тараққий топган давлатлардан, эркин ва овоз яшаётган халқлардан асло кам бўлмаймиз, иншоолло.

Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни ушбу қутлуғ байрам билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, бало-қазолардан Яратганининг ўзи асрасин, деди пировардида Президентимиз.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Хотира майдони оқшомга қадр мурт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Ў.А.

Сарвар ҲАМИДОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиш мамлакатимизда миллий қадрият даражасига кўтарилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг нишонланаётган Хотира ва Қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ҳам ана шундай эзгу тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бу айёмда бугунги тинч-осойишта ҳаёт, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир синов ҳамда машаққатлар эвазига эришилгани хаёлимиздан ўтади. Шу йўлда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим қиламиз. Бизга насиб этган мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини янада теран англаймиз.

Кекса авлод вакиллари кўнглини кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қўлайликлар яратиш давлатимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз Ислон Каримовнинг шу йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони фахрийларимизга эҳтиромнинг яна бир ифодаси бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ, уруш қатнашчиларига пул мукофотлари ҳамда байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

8 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ҳамда меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жа-

моатчилик вакиллари ташриф буюрган.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Шу кунларда юртимизда, қишлоқ ва шаҳарларимизда, ҳар бир оила ва хонадонда каттаю кичик — барча ватандошларимиз 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини, Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган галабанинг 71 йиллигини кенг нишонламоқда, — деди Ислон Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Ана шу буюк галабани қўлга киритишда мардлик ва жасорат кўрсатган фахрийларимизни, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни табриклаш, уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаш мен учун катта шарафдир. Шу билан бирга, уруш майдонларидан қайтмаган, мана шундай мусаффо осмон, тинч ва осойишта ҳаёт учун жон бериб, қурбон бўлган юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бугун муқаддас масканга айланиб қолган мана шу Хотира майдонида туриб, жаҳон тарихидаги энг қонли, мислсиз қурбонлар, мусибат ва офатлар олиб келган урушда эришган галаба кунини нишонлар

эканмиз, орадан шунча йиллар ўтганига қарамай, мамлакатимизда биронта одам йўқки, ўша даҳшатли урушни, унинг асоратларини эсидан, хаёлидан чиқарган бўлса.

Шунинг учун ҳам бу қутлуғ айёмни, бир томондан, катта гурур ва ифтихор билан, иккинчи томондан, кўзимизда ёш билан кутиб оламиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, деди давлатимиз раҳбари.

Тарихда буюк сана бўлиб қоладиган бу воқеа, яъни фашизм устидан галаба қозонишда мардлик ва матонат кўрсатган кўп миллатли минг-минглаб инсонлар қаторида 338 нафар юртдошимиз юксак қахрамонлик унвонига сазовор бўлгани, қанча-қанча оталаримиз, болаларимиз ўз жонини фидо қилиб, жанговар ордон ва медаллар билан мукофотлангани қалбимизга ҳақиқатан ҳам фахр туйғусини бағишлаши табиийдир.

Лекин фашизм балосига қарши курашда халқимизнинг қўшган энг катта ҳиссаси ҳақида гапирганда, юрагимизда умрбод битмайдиган яра, асорат бўлиб қоладиган оғир йўқотишлар яна ва яна хаёлимиздан ўтади.

Бу борада қуйидаги рақамларни олиб келиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Уруш бошланган пайтда Ўзбекистонимиз аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин бўлган бўлса, шундан 1,5 миллион киши, яъни қурол кўтаришга қурби етадиган одамлар урушда қатнашган. Уларнинг орасидан 500 мингдан кўпроғи жанг майдонларида ҳалок бўлганини, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолган-

ИНСОН, МИЛЛАТ ВА ХАЛҚ ТАРИХИЙ ХОТИРА

9 МАЙ — ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ

Пойтахтимизда “Инсон қадрли улуг, хотираси муқаддас” шиори остида “Уч авлод” учрашуви бўлиб ўтди. Унда нурунийлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат fronti фахрийлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Ибрат мактаби

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ёши улуг инсонларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларга яқиндан камарбаста бўлиш халқимизга хос хислат. Ушбу анъана, айниқса, истиқлол йилларида янада кенг қулоқ ёзди. Бугунги кунда давлатимиз томонидан пиру бадавлат отахону онахонларимизнинг саломатликларини тиклаш, турмуш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилапти. Ёшларимиз эса нурунийларнинг, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши ҳамда меҳнат fronti фахрийлари кўшиклари билан биргача, уларнинг ҳаёт йўллари ҳақидаги ҳикоятлардан баҳраманд бўлишмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 18 апрелдаги

“Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим дастуриламалдир. — Тинч ва осойишта юрда кексалик гаштини суриш ҳам бир давлат экан, — дейди Юнусобод туманидаги Янги ҳаёт маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат fronti фахрийси Хикмат ота Убайдуллаев. — Гамхўрликдан беҳад мамнунимиз. Мудом ёшлар билан биргача. Уларга бугунги дориламон кунларнинг қадрига етишни айтишдан сира чарчамайман.

Тадбирда ёш санъаткорлар ижросидаги дилтортар куй-кўшиқлар йиғилганларга хушқайфият улашди.

Дилмурод СОДИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Тинчлик дарслари»

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида “Хотира — абадий, аждодлар ёди — муқаддас!” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда уруш ҳамда меҳнат fronti фахрийлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққанлар айна кунларда ўқув муассасалари, меҳнат жамоаларида нурунийлар иштирокида ўтказилаётган учрашувлар ва мулоқотлар, урушнинг мудҳиш оқибатлари ҳамда бугунги фаровон ҳаётимиз қадрли ҳақида атрофлича тўхталдилар. — Ушбу байрамга бағишлаб институтида ҳам бир қатор маънавий-маърифий кечалар ташкил этилмоқда, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти проректори Азамат Хайридинов. — Жумладан, барча факультетда “Тинчлик дарслари” ўтказилапти. Бундай машғулотларга Иккинчи жаҳон урушида қатнашган отахону онахонлар тақдир қилинапти. Шунингдек, олий ўқув юртида “Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улуг!” мавзусида давра суҳбати ҳам уюштирилди. Албатта, бундай тадбирлар ёшларимизни юртимизда ҳукм сураётган тинчликнинг қадрига етиш, Ватанимизни кўз қорачигидек асраш, таълим-тарбия олиш учун яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга ундайди.

Тадбир доирасида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиларидан таркиб топган “Мадад” гуруҳи аъзолари фахрийлар хонадонларига ташриф буюриб, улар ҳолидан хабар олишди.

Аҳод МУХАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эҳтиромдан қалблар мунаввар

Қорақалпоғистон Республикасида бугунги кунда Иккинчи жаҳон урушининг 66 нафар қатнашчиси ҳамда 1522 нафар фронт орти меҳнатчиси нуруний умргузаронлик қилмоқда.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорги Кенгеси Раиси М. Ерниязов кенг жамоатчилик вакиллари билан биргача Нукус шаҳридаги Тинчлик маҳалласида яшовчи фахрий Н. Панасенко ҳамда Ойдин йўл маҳалласида истиқомат қилаётган Б. Сапаровнинг хонадонига ташриф буюриб, уларни байрам билан самимий кутлади. Кекса авлод вакиллари Президентимиз Фармонида мувофиқ, пул мукофоти ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси

Қорақалпоғистон бирлашмаси Кенгаши, “Нуруний” жамғармаси Нукус шаҳар бўлими, шаҳар муҳофаа бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгашининг қимматбахо совғалари топширилди.

— Бизга кўрсатилаётган юксак эҳтиром учун Юртбошимиздан чексиз миннатдоримиз, — дейди Болтабой Сапаров. — Бу умримизга умр кўшади. Ниятим — осмонимиз доимо мусаффо, юртимиз тинч бўлсин!

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бунёдкорликлардан завқланиб яшаймиз

Бугун мамлакатимизда меҳр-муруватга йўғрилган ишлардан бениҳоя қувонаман. Айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларига эҳтиром кўрсатиш борасидаги хайрли саъй-ҳаракатлар ибратлидир. Чунки бу ёшларни юртга садоқат, келажакка қатъий ишонч, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялашда жуда ҳам муҳим.

ШУКУҲ

1943 йилда, қирчиллама йиғит чоғимда тенгқуларим қатори урушга отландим. Меҳнатда қаварган қўлларимга

қурол ушлаб, жанггоҳга кирдим. Уруш тугагач, қадрдон қишлоғимга қайтиб келиб, Ватан тараққиёти йўлида,

озми-кўпми, сидқидилдан хизмат қилдим.

Халол меҳнатдан қадр топдим. Юрт ишига камарбаста фарзандлар ўстириб, уларнинг камолидан қувондим. Аммо ҳақиқий гамхўрликни мана энди, кексагач чоғимда кўрапман. Зеро, мустақил давлатимизда юз бераётган юксалишлар, бири-биридан маҳобатли қурилишлар, аввал кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ижобий ўзгаришлардан доимо миннатдоримиз.

Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳам ана шундай эътибор ва гамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир. Шу боис бугун элнинг мен каби ҳар бир қарияси қўлини дуога очиб, “Юртимиз доимо тинч ва фаровон бўлсин”, дея чин дилдан тилак билдирмоқда.

Хотира ва Қадрлаш куни байрами арафасида уйимиз қариндош-уруғ, қўни-қўшни билан



ПИРУ БАДАВЛАТЛИК СУРУРИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Шеркул Олтмишев Мирзаобод туманининг Тошкент маҳалласида яшайди. Унинг хонадони ҳар куни эрта тонгданоқ гавжум бўлади. Боиси, ён-атрофдаги уйларда яшайдиган фарзанду набира ва чеваралар тўқсон уч ёшли отахоннинг дуосини олиб, сўнгра бирови ишга, бошқаси ўқишга жўнайдилар.

ГАМХЎРЛИК

Бинобарин, Шеркул бобо пиру бадавлат нуруний — олти ўғил ҳамда икки қизнинг отаси, 30 набира ва 49 нафар чеваранинг сеvimли бобоси.

— Оилада ёлғиз ўғил эдим, — дейди у. — Бугун эса, зурриётларим йиғилса, ҳовлимизда гўё бир тўйнинг одами жам бўлади. Уларнинг бахту

иқболидан, элу юртга нафи тегаётганидан кўнглимдан қувонч аримайди. Куни кеча туманда хизмат қилаётган набирам Темура: “Бобожон, энди пойтахтда, вазирликда ишлар эканман, шунга дуоингизни олгани келдим”, деб қолди. Хали ёш бўлса-да, унинг шундай масъулиятли ла-

возимга муносиб кўрилганидан фахрландим. Беихтиёр ўзимнинг навқиронлик йилларим ёдимга тушди. Ушанда чуқур билим олиш у ёқда турсин, тўйиб овқатланиш ҳам биз учун катта бир орзу эди. Айнан бизнинг ёшлигимизга тўғри келган, инсоният бошига оғат солган урушни айтмайсизми?! Бу қиргинбарот не не алп йигитларнинг умрини хазон қилди, минг-минглаб болаларнинг оталари ҳаётига зомин бўлди. Уша набирам эса мустақиллик, тинчлик, осойишталик йилларида ўсди, улғайди, ҳар жиҳатдан замонавий шароитларда ўқиди, касб эгаллади. Қарангки, бугун набира ва чевараларимнинг шодон чеҳраси, кеч

возимга муносиб кўрилганидан фахрландим. Беихтиёр ўзимнинг навқиронлик йилларим ёдимга тушди.

Шеркул бобо билан суҳбатимиз давом этаётганда ҳовлига бир гуруҳ болалар кириб келишди. Улар отахонга гуллар тақдим қилган, жўровозликда “Байрамнингиз муборак бўлсин, бобожон!” дея қутлашди. Ўғил-қизларнинг бу қувнок табригидан Шеркул бобонинг кўзларида севинч ёшлари қалқди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Муаллиф олган сурат.

Хотира майдонидаги САБОҚ

Уруш қолдирган жароҳат одамлар қалбида ҳануз битмаган. Мана, шофирконлик Эгамовлар хонадонини олиб кўринг. Бу оиланинг гулдек фарзанди Бобомурод Эгамов минглаб йигитлар қатори урушда ҳалок бўлган.

ТААССУРОТ

— Болалигимдан яхши эсламан, бобомизни оила даврасида деярли ҳар куни ёдга олардик, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси Йўлдош Эгамов. — Яқинда, аниқроғи, ўтган йилда бир ниятимиз рўёбга чиқди. Бобомизнинг исм-шарифлари Хотира майдонидаги уруш иштирокчилари рўйхатида киритилди. Ҳар гал у ерга борганимда қалбим алланечук бўлиб кетади. Невараларим шундай мард боболари яшаб ўтганидан гурурланиб камол топишаётганини кўриб қувонаман.

Дарҳақиқат, Бухоро шаҳридаги Хотира майдонида воқеа туғилиб ўсган ва тақдир тақозоси билан Иккинчи жаҳон урушига отланган минглаб юртдошларимизнинг ном-

лари мухрланган. Мангуликнинг боқий манзарасига айланган бу майдон, айниқса, шу кунларда янада гавжум. Анвойи гулларга бурканган маскандан ёшлар қадами узилмайди.

— Боболаримиз бугунги тинч ва фаровон ҳаёт учун жон олиб, жон беришган, — дейди Бухоро давлат университети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Махбуба Мухаммадова. — Уларнинг пок хотирасини ёд овозлаш, номларини ёд этиш, ҳозирги кунда ҳаёт бўлган уруш фахрийларига гамхўрлик кўрсатишни ўз бурчимиз, деб биламиз.

Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Жунайид Олимов ҳам Хотира майдонига келиш-

ни қанда қилмайди. Табарруқ ёшдаги отахонни кўрган ўғил-қизлар унинг суҳбатини олгани шошишади.

— Шукр, шундай тинч ва фаровон кунларда яшаш насиб этди, — дейди у. — Бизга кўрсатилаётган гамхўрликни санаб адоғига етолмайсиз. Мана, куни кеча вилоят ҳокимлигидан вакиллар уйимизга ташриф буюриб, Юртбошимиз номидан пул мукофотлари, қимматбахо совғалар топширишди. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Болаларим, уруш балосини биз кўрдик, илоҳим, энди у остонамизга яқин ҳам йўламасин. Бу оғат ҳеч бир халқнинг, давлатнинг бошига асло тушмасин. Ўзбекистон деган жаннатмонанд юртинг қадрига етинглар. Она Ватанинг қадр-қимматини билган киши асло кам бўлмайди...

Жунайид аканинг сўзларини жон қулоғи билан тинглаётган ёшларга разм соламиз. Назаримизда, отахон невараларига ҳаётдан унутилмас сабоқ бераётгандек...

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШУКРОНА

Тинчлик — бебаҳо неъмат. Унинг қадрини биз, уруш даври ситамларини бошидан кечирган одамлардан сўранг. Эркаклар фронтга кетиб, тирикчилик ташвиши аёллар, болалар зиммасида қолган палла эди. Фронтга ёрдам бўлсин, дея кунни тунга улаб, меҳнат қилардик. Бунинг устига, жанг майдонларидан келаётган нохуш хабарлар... Ҳаммаси кечагидек кўз ўнгимда.

Бу кунларнинг файзи бўлакча

Уруш бошланган чоғда ёш келинчақ эдим. Қишлоғимиз аёлларига қўшилиб, ўзимни дала юмушларига урдим. Ёруғ кунлардан умид қилиб, жонимизни жабборга бериб ишладик. Одамларнинг бир-бирига оқибати, турли миллат вакилларининг Ватанига садоқати фашизм балосига нуқта қўйди. Бу ғалабада жанггоҳларда қон кечган аскарлар қатори биз, фронторти меҳнатчиларининг ҳам хиссаси катта бўлганлиги барчага яхши маълум.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган кунлари кўзимга севинч ёшлари келганди. Ҳаётимизга мазмун кирди. Атрофга қаранг, юртимиз кундан-кунга обод бўлиб борапти. Турмушимизнинг фаровонлиги, фарзандларимизнинг ҳеч қандам кам бўлмай ўсаётганига ҳаҳон аҳли ҳавас билан қараяпти. Ана шу бахтиёр ёшлар орасида менинг невараларим ҳам бор.

Улар ҳеч нарсадан камлик кўрмай ўсишяпти. Ўқишлари, ҳунар ўрганликлари учун шарт-шароит бисёр. Зукколиги ҳам шунга яраша. Касб-ҳунар коллежиде ўқийдиган Аҳром исмли чеварам бор. Куни кеча муаллими “Бувингнинг фронт ортидаги хотираларини ёзиб келгин”, деб ва-

зифа берибди. Қўлидаги китобдан унча катта бўлмаган қутчасини очди. “Бу ноутбук, шунга ёзиб олам”, деди. Бошимдан ўтганларни сўзладим. Ушанда зогора уни, кепакдан ёпилган нон билан жон сақлаганимизни айтдим. Бор-будимиз, кийим-ларимизгача фронтга жунатганимизни ёдга олдим. Барчасига батафсил тўхталдим. Охирида ҳаммаша ёшларга қарата айтиб юрган гапимни такрорладим: уруш жафо, уруш уқубат, бировга тобелик эса ундан ёмон. Бундай нарсалар ҳеч қандам бошига тушмасин, тинчликнинг, эртаси бугундан ҳам ёруғ бўлган жонажон Ватанимизнинг қадрига етинг.

Тўқсон икки йиллик ҳаёт йўлини босиб ўтдим. Юртимизда мен сингари табарруқ кексаларнинг жуда кўпи умргузаронлик қилапти. Бирок “Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”, деганларидек, жуда кўп тенгдошларимиз дорилетларни ҳаётида ижобат бўлаётгани кишига таскин беради. Ниятимиз, жаннатмонанд Ўзбекистонимизга ҳуз теғмасин!

Ҳодика СИДИҚОВА,
меҳнат фахрийси.
Наманган вилояти

ТУЙҒУСИ БИЛАН ТИРИК ВА БАРҲАЁТДИР



ЭЪТИБОР

Хар тонг янги кунни қарши олар экан- миз, яна бир тинчлик-хотиржамлик дамларига гувоҳ бўлаётганимиздан қувониб, бунга етказгани учун шукрона айтамыз. Ахир дунёнинг қайсидир давлати-

да табиий офатлар авж олган, бошқа жойда урушлар давом этаётган бир пайтда юртимиздаги ободлик, фаровонликдан завқланиб, яратувчанлик ишқи билан ёниб яшаш катта бахт-да!

Андижондан 97500 нафар йигит қатнашган. Бугунги кунда уларнинг 115 нафари сафимизни тўлдириб турибди. Биз фахрийларимизнинг ҳолидан хабар олиб, саломатликларини тиклашларида амалий ёрдам кўрсатиб,

га икки оғиз ширин сўзу озгина эътиборнинг ўзи етарли. Шу боис ҳам уларнинг кўнглини тўлариб, йилда бир марта дам олиш ва даволашни санаторийларига юборишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Тинчлик ҳамма нарсадан азиздир. Уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш — ҳар биримизнинг бурчимиз. Бизга бахтли ҳаётни инъом этишда жонқорлик намунасини кўрсатганлар эса қалбимизда мангу яшайди.

Тавоқал ТОПВОЛДИЕВ,
Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Андижон вилояти бўлими кенгаши раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

ДИЛ СЎЗИ

Одамлар бир-бирини қадрлайдиган, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатадиган мамлакатда тинчлик ва оқсоқлик барқарор бўлади. Шу маънода, Президентимиз раҳнамолигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда фронт ортида меҳнат қилганлар, кексаларга юксак иззат-иқром, гамхўрлик кўрсатилаётгани диққатга сазовор.

ЭЪЗОЗ умримизга умр қўшяпти

Айниқса, сихат-саломатлигимиз доимо назоратда. Даволаниш керак бўлса, ҳамма шароитга эга сихатгоҳларга йўлланмалар берилаяпти. Барчаси бепул. Ҳолимиздан маҳалла-кўй ҳамма вақт хабар олиб туради. Бундай беқиёс гамхўрлик ва эътибордан беҳад миннатдоримиз.

94 ёшга кирдим. Ҳаётнинг ачиқ-чучуғини кўп тотдим. Бахтимдан айланай, 6 нафар фарзандим, 25 наварам, 15 чеварам бор. Эвараларим “Энажон, ёшлигингиз ҳақида айтиб беринг”, деб ҳолимизга қўйишмайди. Уларга тўйиб нон емаганимиз, ўйнаб-кулмаганим, далада кечган дамларимиз тўғрисида гапириб берман. Айниқса, уруш йилларидаги қаҳатчилик, ҳамқишлоқ йигитларимиз жанга кетиб, уларнинг кўпчилиги уйларига қайтмаганини айтсам, ҳайрон қолишадим.

Ушанда тирикчиликнинг асосий юки қиз-жувонларнинг зиммасида эди. Куну тун даладан бери келмасдик. Ер ҳайдаб, қўлда урув

қадаб, тиним билмасдик. Иш қанчалик машаққатли бўлмасин, ҳеч ким ўзини четга олмасди. Ҳамма эртанги кунга ишонч, умид, қанчалар бекорди. Буларнинг барчаси ўтиб кетди, ёмон кунлар ортада қолди. Лекин бир нарсани унутиб бўлмайди. Бундай дориламон замон ўзидан келмаган. Минглаб ўғлонларимизнинг фидойилиги, қиз-жувонларнинг заҳматли меҳнати эвазига эришилган бу кунларга, шу боис аждодлар хотираси ва эъзоз фарзандларимизнинг кўнглини чироқдек ёритиб туриши керак.

Юртимиз истиқлолини, ободлигини кўришни кимлар орзу қилмаган, дейсиз. Шукр, бу кунлар кўпчилик қатори бизга ҳам насиб этди. Байрамлар байрамларга, тўйлар тўйларга уланапти. Оилалар фаровон. Ҳаммамиз орзу-ҳавас билан яшяпмиз. Ўзбекистонимиз бундан-да гуллаб-яшайверсин!

Ҳайитжон МАМЕТОВА,
меҳнат фахрийси.
Ботот тумани

Улар бизнинг фуруримиз

Биз мана шу заминда тугилганимиз, унинг келажаги учун хизмат қилаётганимиз, фарзандларимизга мерос қолдираётганимиздан миннатдор бўлишимиз керак. Зеро, чақалокдан тортиб, кексаларгача бирдек эътибор қаратиладиган, уларнинг манфаатини ҳимоя қилладиган

бундай давлат яна қайда бор?! Атрофга разм солинг: ҳар қадамда қурилиш, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Таълим, фан, саломатлик, спорт, кўйинги, биз ютуқларга эришмаган, жаҳон майдонида бўй кўрсатмаган соҳанинг ўзи қолмади ҳисоб. Буларнинг

барчаси тинчлигимиз мевасидир. Мана шундай осуда ҳаётимизни орзу қилган, унинг учун жангдошларда ёв билан олишган, керак бўлса, ўзини фидо қилганларга ҳар қанча таъзим бажо келтирсак, арзийди. 1941 — 1945 йиллардаги қирғинбарот жангларида

ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда имкон қадар иштирок этиб келмоқдамиз. Хусусан, уларга турли моддий ёрдамлар кўрсатилаётди, ҳақдорларимиз кўмағида совға-саломлар улашилаяпти. Аслида, нуронийларимиз-

Фахрийлар ардоқда

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Исроил ота Раҳимов Косонсой туманининг Қўқимбой қишлоғидаги Тошлоқ маҳалласида истиқомат қилади. Бу хонадонга табаррук қарияни йўқлаб, каттаю кичик келиб туради. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ташриф буюрувчилар сафи янада кенгайди.

МЕҲР

Кунни кеча “Дори-дармон” акциядорлик компаниясининг вилоятдаги вакиллари турли малҳамлар солинган қутича билан кириб келди. Уруш фахрийси бундан олдинроқ Президентимиз тўғрисида — пул мукофотини олган эди. Қолаверса, Касаба уюшмалари, маҳаллий ҳокимиятнинг совгалари, ҳаммаси бир бўлиб отахон кўнглини тоғдек кўтарди. “Қамолот”чилар эса рўзгор юмушларига ёрдамлашди. — Жойларда бундай савобли ишлар кенг қўламда олиб борилаяпти, — дейди Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Наманган вилояти бўлими кенгаши раисининг ўринбосари Ҳафиза Аҳмедова. —

Хусусан, шаҳару туманларда истиқомат қилаётган 117 нафар уруш фахрийсига алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, уларга давлатимиз раҳбари ҳамда жамоат ташкилотлари ва ҳомийларнинг байрам совғалари топширилди. Бундан ташқари, 250 нафар фронт орти меҳнатчиси ҳамда 4751 нафар табаррук отахону онахонлар ҳолидан хабар олинди. Айни чоғда вилоятда Хотира ва Қадрлаш куни доирасидаги маънавий-маърифий тадбирлар қизгин давом этаёпти. Ёшларнинг фахрийлар билан учрашувлари, кекса авлод вакилларига бир пиёла чай устида кўрсатилаётган эҳтиромдан кўнгилаб қувончга тўлаётди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.



Ҳосон ПИЙДОНОВ ошанг сурат.

Ашурали отанинг қувончи

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ашурали Дадажонов Фарғона шаҳрида яшайди. Отахон урушдан қайтган, узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди. Бугун эса у кишининг хонадонидан меҳмон аримайди. Қариндошлар, маҳалла-кўй, мактаб ҳамда коллеж ўқувчилари байрам билан табрик-

лашмоқда. Бундан қувонган Ашурали ота юртимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибору гамхўрликдан мамнун бўлиб шундай дейди: — Ҳар йили 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ, биз, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари

ҳамда меҳнат фронти фахрийлари пул мукофоти ва қимматбахш совғалар тантанали равишда топширилади. Мана шундай кезларда янада яшариб кетгандек бўламан. Юртимиздаги тинчлик-осойишталикга кўз тегмасан, бунёдкорликлар давом этаверсин, ҳар биримиз эзгу ниятлар ижобатини кўриб яшайлик.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

«ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, ИНСОНЛАРДА ҚОНУНГА ҲУРМАТНИ, ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ» МАВЗУИДА

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратилиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Худудий электрон ОАВда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, принциплари ва мақсадларини очиб беришга, Асосий Қонун нормалари меъёрлари ҳақидаги билимлар тарғиботига, 2011 ҳамда 2014 йилларда унга доир қабул қилинган тузатишларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган махсус телерадиодастурлар, роликлар тайёрлаш;
2. Жамиятда қонунчилиكنи мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини, уларнинг, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган (оддий фуқаролар, тадбиркорлар, пенсионерлар, ногиронлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари) қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ҳамда аҳамияти ҳақида хабардорлигини янада оширишга қаратилган туркум маънавий-маърифий тадбирлар (давра суҳбатлари, семинарлар, телерадиодастурлар, матбуот ва интернетдаги мақолалар) ўтказиш;
3. Худудий электрон ҳамда босма ОАВда барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлинишини, турли соҳалар (йўл ҳаракати қоидалари, шаҳар-созлик нормалари, коммунал ҳамда йўл ҳўжалиги, қўшнилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва бошқалар)да қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик фактлари жамоатчилик томонидан муҳокама этилиши муҳитини шакллантиришга қаратилган материаллар тайёрлаш;
4. Адвокатлар палатаси ҳамда унинг худудий бошқармалари билан биргаликда қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ долзарб масалаларни аҳолига тушунтириш мақсадида теле-

видение, радио, босма нашрлар, интернетда махсус рунклар тайёрлаш;

5. Шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд ҳуқуқий механизмларини оширишга, уларда амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билими, маълумлари, кўникмалари ва тайёргарлигини шакллантиришга қаратилган мавзуга оид телерадиодастурлар, мақолалар тайёрлаш;
6. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлари, жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этиш учун уларнинг ваколатларидан фойдаланиш имкониятлари билан аҳолини таништириш бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;
7. Худудий ОАВда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моҳияти ҳамда аҳамиятини очиб бериш, уни амалиётда қўллаш механизмлари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;
8. Қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши бўйича республикада олиб борилаётган ишлар (таклиф этилаётган янги нормаларнинг, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш механизмларининг аҳамияти) ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;
9. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг ижро этилиши борасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳа-

ларининг жамоатчилик ўртасидаги муҳокамадорлигини ўтказишга қўмақлашиш;

10. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, ҳуқуқий билимларнинг тарғибот ишларини амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
3. Охириги ўзгариш ҳамда қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган устав (низом) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсиянома ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.
7. Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори — 25 миллион сўмгача.
8. Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Ўсиб келаётган авлодда ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга гамхўрлик кўрсатиш, меҳрибонлик ва инсонийлик, меҳр-шафқат ҳамда бағрикенглик, Ватани ва халқи га садоқат каби юксак ахлоқий қасдларни шакллантириш;
2. Кекса ёшдаги шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгилаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш, кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ёшларни кенг жалб этиш;
3. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, фуқаролик онгини юксалтириш, уларнинг мамлакатда давлат ҳамда жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
4. Ёшларнинг турғилиб ўсган ўз ўлкаси тарихи, маданияти ва мезморий обидлар ҳақидаги билимларини бойитиш, шу жумладан, махсус клублар фаолиятини ташкил қилиш, экскурсиялар ўтказиш, ахборот материаллари, буклетлар, стендларни чоп этиш ҳамда тарқатиш орқали бойитиш;
5. Ўсиб келаётган авлодда китоб ўқишга бўлган қизиқишни ривожлантириш, адабий дидни шакллантириш, китобга муҳаббат ва эҳтиёткор муносабатни тарбиялаш, ёшларда ўқишга бўлган интилишни ошириш, кундалик ҳаётда китоб ўқишнинг амалий қадри-ни очиб бериш;
6. Техник йўналишдаги касб-хўнарлар нуфузини ошириш, ёшларда муҳандислик билимини эгаллаш, танланган мутахассислик бўйича юқори маъна оlishга бўлган интилишни шакллантириш;
7. Ёш авлодни илм-фан ҳамда санъатга қизиқтириш учун зарур шароитлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

«ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН ЕТУК БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ» МАВЗУИДА

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратилиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ярлатиш, ёшларнинг республика ва халқаро тановлар, олимпиадалар ҳамда мусобақалардаги иштирокини, ўз ичидий ва интеллектуал салоҳиятини амалга оширишини рағбатлантириш;

8. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи принципларини мустаҳкамлаш, жисмоний маданият ҳамда спортни омдалаштириш, ўсиб келаётган авлоднинг алкогольизм, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, “оммавий маданият”нинг тасйирлари, таҳдидларидан асраш;
9. Ёшларда соғлом ва обод оила-ни барпо этишга интилишни шакллантириш, уларнинг наслини ҳамда туғма касалликлар профилактикаси масалаларига доир билимларини ошириш, оилада ижтимоий-психологик муаммоларнинг, эрта никоҳлар ҳамда ажралишларнинг олдини олиш, ёшларнинг онгига тўй маросимларини ортингча ҳашаматсиз ва ҳаддан ортик исрофгарчиликсиз ўтказишнинг муҳимлигини сингдириш;
10. Ёшларни, энг аввало, касб-хўнар коллежлари ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, айниқса, қишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;
11. Иккинчи чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни спорт турларига, илм-фан ҳамда санъатга қизиқтириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;
12. Ёшларда Ватанга чуқур муҳаббат, Куролли Қучларимиздан фخرланиш ва ҳарбий хизматга ҳурмат ҳисла-рини тарбиялаш мақсадида таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида ҳамда маҳаллаларда ҳарбий-ватанпар-

варлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш;

13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳамда манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари нормаларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда жамоатчиликнинг, фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
3. Охириги ўзгариш ҳамда қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган устав (низом) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.
7. Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори — 25 миллион сўмгача.
8. Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондини «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондини «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.



«Ўзбекистон бой меъморчилик анъаналари ва юксак маданиятга эга бўлган ноёб ўлкадир»

Яқинда Хитойнинг Янчжоу шаҳрида Иқтисодиёт, савдо ҳамда сайёҳлик соҳаларига ихтисослаштирилган халқаро фестиваль бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 30 дан зиёд давлатидан қатор компаниялар, жумладан, мамлакатимиз вакиллари ҳам иштирок этди.

ЭЪТИРОФ



Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикасидаги Бош консулига томонидан тақдим қилинган миллий бўлмада меҳмонлар юртимизнинг замонавий туризм инфратузилмаси, турли саёҳат йўналишлари ва хорижий меҳмонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди. Шунингдек, фестиваль доирасида Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива сингари

кўхна шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойларини ўз ичига олган тақдирот маросими ўтказилди. Миллий бўлмадага таширф буюрган **Янчжоу шаҳрининг Ташқи ишлар департаменти директори ўринбосари Кун Вей-ця** юртимизга бой меъморчилик анъаналари, қадимий тарих ва рангбаранг маданиятга эга бетақдор ўлка сифатида таъриф берди.

«Жаҳон» АА.
Янчжоу, Хитой

Билим ва маҳорат кўриги

Чирчиқ олимпия захиралари коллежида «Ёш чегарачилар» анъанавий ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларининг якуний босқичи голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари қатнашди. Таъкидланганидек, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши туфайли таълим муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, ёшларнинг чуқур билим олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши, ўз иқтидорини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Айтиш жоизки, мусобақаларнинг ҳал қилувчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан 13 жамоанинг 130 вакили иштирок этди.

Улар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлик, биринчи тиббий ёрдам, тарих, чет тиллар, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунни биласизми?» каби йигирмага яқин йўналиш бўйича ўз билим ҳамда маҳоратини намойиш қилди. Якунда Термиз шаҳридаги 1-академик лицейнинг «Сарҳад посбонлари» жамоаси муваффақият қозонди. Тошкент вилоятидаги Нуробод энергетика ва иқтисодиёт касб-хунар коллежининг «Энергетик» жамоаси иккинчи, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар саноат касб-хунар коллежининг «Қалқон» жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди. Голиб ҳамда совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, энг яхши натижа қайд этган 15 иштирокчи қўшимча номинациялар бўйича тақдирланди.

Ватан, тинчлик ҳамда дўстликни тараннум этувчи куй-кўшиқлар тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади.

М. ҚОСИМОВ.

Спорт



Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Уч авлод учрашуви» ўтказилди. Унда фахрий спортчи ҳамда мураббийлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари қатнашди.

Сўзга чиққанлар юртимизда кексаларга ҳурмат ҳамда эҳтиром кўрсатиш бебаҳо қадрият дара-

Уч авлод учрашуви

жасига кўтарилганини, бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар нуронийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, бугунги фаровон ҳаётдан завқланиб яшашини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Ўз навбатида, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт, айниқса, хотин-қизлар

спортга, аёл мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилаётган эътибор жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтириш, баркамол авлодни вояга етказишда юксак самаралар бераётганини фахр билан тилга олди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган, қатор нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган қизлар тақдирланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Голиблар тақдирланди

Спортнинг ҳарбий-амалий ва Олимпия турлари бўйича VI Умумармия ўйинлари якунланди. Шу муносабат билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Норматов ва бошқалар қайд этганидек, ўтган давр мобайнида Янчжоудеган компаниялар Ўзбекистон билан ақиндан танишиш ҳамда маҳаллий сайёҳлик компаниялари билан ўзаро амалий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун анъанавий равишда ўтказилаётган Халқаро сайёҳлик ярмаркасида қатнашишни режалаштирмоқда.

Хар тўрт йилда бир марта ташкил этиладиган маъруза маҳорат кўригида ҳарбий округлар, бирлашма ва олий ҳарбий таълим муассасалари жамоалари ҳарбий ҳамда

офицерлар учкураши, кўп қураш, тош кўтариш, ўқ отиш, рефби, бокс, бадминтон бўйича ўзаро баҳс олиб борилади. Бу гаги беллашувларда республика миқёсидаги турнирлар голиблари ҳам борлиги уларнинг янада қизиқарли ва мурасасиз кечишини таъминлади.

Шундай қилиб, VI Умумармия ўйинларида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Капитан Мурод Рўзиев мураббийлигидаги ҳарбий қисм жамоаси иккинчи, Шарқий ҳарбий округ жамоаси учинчи ўринни банд этди.

Голиб ва совриндорларга Мудофаа вазирлигининг фахрий ёрлик, махсус диплом ҳамда кубоги топширилди.



Дзюдочимиз — олтин медаль соҳиби

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида давом этаётган «Катта дубулга» туркумига кирувчи халқаро турнирда Ўзбекистон вакиллари дастлабки медалларни кўлга киритди.

Жумладан, 73 килограммгача вазндаги полвонлар ўртасида Мирали Шарипов биринчи ўринни эгаллади. Эътиборли жиҳати, у финалда яна бир ҳамюртимиз Гиёсжон Бобоев билан беллашди.

Шунингдек, 60 килограммгача бўлган вазндаги спортчилар ўртасида терма жамоамиз аъзоси Диёрбек Ўрозбоев бронза медаль соҳибига айланди.

Ушбу мусобақада полвонлар нафақат голиблик, балки шу йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун ҳам баҳс олиб бормоқда.

Сайджон МАХСУМОВ тайёрлади.

Фарзандлар камолоти йўлида

Жиззах вилоятида сўнгги йилларда ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига қаратилган кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Натижада ҳудуд спортчилари мамлакат миқёсидаги беллашувларда, халқаро турнирлар, Осиё ва жаҳон биринчиликларида салмоқли ютуқларга эришмоқдалар.

Жиззах вилоятида сўнгги йилларда ёш авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига қаратилган кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Натижада ҳудуд спортчилари мамлакат миқёсидаги беллашувларда, халқаро турнирлар, Осиё ва жаҳон биринчиликларида салмоқли ютуқларга эришмоқдалар.

Улар томонидан барпо қилинган 24 та сунъий қопламали футбол майдончаси ҳамда 12 та жисмоний соғломлаштириш иншооти самарали фаолият кўрсатаётгани ана шундан далолат беради. Айни пайтда бу борадаги сайёҳаракатлар қизгин давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилда Жиззах шаҳри ва Баҳмал туманидаги болалар ҳамда ўсмирлар спорт мактабларини капитал таъмирлаш, вилоят марказидаги яққаурашга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш, Жиззах шаҳри, Баҳмал, Фаллаорол, Жиззах, Дўстлик, Зомин, Зарбдор, Зафаробод, Фориш туманларидаги қатор таълим муассасаларида спорт заллари ҳамда майдончалари қуриш мўлжалланапти.

Тождидин ҚАМАРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 24 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Миробод тумани СИБ томонидан 2013 йил 19 февралдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий майдони 283 кв.м. бўлган уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 63 144 000 сўм.
2. Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 14 ноябрдаги 1-540/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фидокор кўчаси, 40-уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи.
Бошланғич баҳоси — 27 662 550 сўм.
3. Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 152 981 991 сўм.

4. Миробод тумани СИБ томонидан 2013 йил 19 февралдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 10-«Б» уйнинг ертўла қисмида жойлашган, умумий майдони 73 кв.м. бўлган 43 ва 45-сонли автомобилларни сақлаш жойи.
Бошланғич баҳоси — 59 164 856 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунли қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

2016 йил 10 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- * Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан ФИБ Тошкент вилояти Чирчиқ туманларо судининг 2014 йил 14 октябрдаги 1-7783/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 397-уйда жойлашган, умумий майдони 158,26 кв.м.дан иборат нотуражой.
- Бошланғич баҳоси — 239 615 950 сўм.**
- * ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2012 йил 10 декабрдаги 1-438/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Суранкент» ҚФЙ, «Қизилтут» МФЙ, Дилнава (собик Норматов) кўчасида жойлашган, умумий майдони 3219,61 кв.м.дан иборат дала-ҳовли.
- Бошланғич баҳоси — 573 178 808 сўм.**

Маъруза кўчмас мулклар билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси голиб савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк

учун тўловни амалга ошириши лозим. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТ «InfibANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ҳамда ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темуր 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz

Хизматлар лицензияланган.

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 11 май, чоршанба куни чиқади).

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 115 479 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълоҳна (0-371) 232-11-15.

Табриятга келган қўлаб-қўлаб тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Рекама материаллари учун табрият жавобгар эмас.
Газета табрият компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонионов.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 18.00 Топширилди — 19.45 1 2 3 4 5 6